

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1989 йил 17 августдан чика бошлаган.

№ 188 (6. 977)

1989 йил 17 август, пайшанба

Баҳоси 3 тийин

Меҳнатдан бахт топганлар

Ғолиблар ҳиммати

● БУГУНГИ кунда Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг 88 ишчиси 13-беш йиллик ҳисобига меҳнат қилипти. Меҳнат зарбдорлари ўртасида тикувчи-мотористлардан Мунира Йўлбоева, Дилором Пулатова, Насихат Зоҳидова, Майя Ведерникова, Раиса Шамова ва бошқалар бор.

Корхонанинг 2-тикув цехи коллективи биринчи ярим йилликда уч марта биринчи ўринни қўлга киритди. Бу коллективдаги меҳнат рақобатида тикувчи-мотористлардан Жонна Зоҳидова ва Мавжуда Шоалимовалар пешқадамлик қилиб, биринчилар қаторида ўн учинчи беш йиллик ҳисобини очдилар.

— 4-цехнинг ишлаб чиқариш участкаларида маҳсулотнинг ранг-баранг асортиментлари, жумладан аёллар плаши, турли артикуллардаги газламалардан кўйлақлар, ўқувчи қизлар учун мактаб формалари тикилади, — дейди цех бошлиғи Наталья Буевич. — Тамара Эгамбердиева, Мария Гушина, Людмила Митрофанова сингари ишчилар смена топшириқларини ортиғи билан адо этиштиради.

Хўш, илгорликнинг сабаби нимада? Юқорида номлари тилга олинган тикувчилар корхонада ўттиз йилдан буюн меҳнат қилишади. Шу сабабли бўлса керак, замонавий техникани, илгор тажриба методлари ва теъриқий усулларини мукаммал ўлаштиришганлар. Ҳар бир иш қараёнини юксак эътибор билан адо этишди.

Натижада улар тиккан маҳсулотлар биринчи тақдирда ён аъло сифатли деб топилади. Илгорларнинг ҳаммаси ишларининг мураббийлари бўлиб, корхона оstonасига қадам ташлаган ҳар бир ишчининг қалбига касбга меҳр ўйғотилади.

Ветеранларнинг маҳорат дарслари ўз самарасини бермай қолмайди. Беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этиш учун мусобақада қатнашган ишчилар бригадалари ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Мукарирам Мадаминаева ва Тамара Надежнина бошчилик қилаётган ишлар бригадалари

биринчи ярим йиллик якунига қўра ғолиблар сифатида ўрин олдилар.

«Ўз касбининг моҳири», «Ишларнинг моҳири мураббийси», «Энг яхши тарбиячи-мастер» деган шарафли номларнинг берилиши ҳам ишчилар меҳнат кўтаринчилигини оширишда муҳим аҳамият касб этипти.

— Социалистик мусобақа натижаларига қўра биз ишчиларини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борамиз, — дейди тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси касба, союз комитетининг раиси Шарифа Мамажонова. — Беш ишчиларга ва мутахассисларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Илгори бешдан буюн корхонада 65 ёш ишчи ўн ёшгирган касб сирларини ўлаштирди.

Ишчи аттестацияларидан сўнг, бугунги кунда ўн битта гуруҳга «Аъло сифат гуруҳлари» номи берилди.

Бирлашмада истеъмолчилар талабига жавоб берадиган 70 дан зиёд янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришмоқда. Бу эса хўжалик ҳисоби шартларида ишлаётган коллектив учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Корхонада амалга оширилаётган барча тадбирлар ҳақида кенг маълумот бериб борилади.

— Социалистик мусобақада ошкоралик илгор тажрибани оммалаштириш имконини яратди, — деб давом этди Ш. Мамажонова. — Маҳорат, маҳсулот сифати ва юксак иш унуми бугунги иқтисодий шароитда маҳсулот танаархияни қайтариш ва даромад фондидан яратишга замин яратди. Ишчиларимизнинг иштироки билан эса ўз самарасини беришти. Дастлабки ярим йилликда савдо тармоқларига сифатли яхшилашган 850 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Пиландан ташқари етказиб берилган 678 минг сўмлик маҳсулот даромад фондига муносиб улуш бўлиб қўшилди. Бу эса социалистик мусобақа ғолибларини рағбатлантириш, коллектив маънавий турмуш шартинини яхшилаш учун ишлатилади.

М. САВЕЛЬЕВ.

Янги мактаблар

● ТОШКЕНТ шаҳар территориясида қурилиш бўлими қарашли 159-қурилиш трестини ўз масканларини қуришга ўтказилган. Бу йил ҳам трест 5600 ўринли қатор янги мактабларни бунёд этипти. Шу кунларда қурилиш-монтаж, пардозлаш, сантехник ишлари икки сменада олиб боришмоқда.

Сергели районида 8-қурилиш бошқармаси янги мактабни қуриб битади. Бу ерда асосий пудратчи Н. Зубинин ва К. Раҳимов бошлик комплекс бригадалар графикадан ўзган ҳолда иш олиб боришди. Янги мактаб синф хоналарини шу кунгача 150 минг сўмлик ўқув инвентарлари сотиб олинди.

Чилонзор районида ҳам янги мактаб пардоздан чиқаяпти. Бу ерда 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармаси асосий ишларини, 9-қурилиш бошқармаси эса қўшимча ишларини жадаллик билан бажариб, пардозга тайёрлаб берди. Айниқса, 9-бошқармадан республикада хизмат кўрсатган бинокор Кўчкор Йўлдошев бошлик комплекс бригадаси аъзолари Т. Савельев, Б. Эргашев, М. Миралмов, В. Магилан кабиларни алоҳида қайди қилиб ўтиш керак.

Пардозлаш-қурилиш бошқармаси коллективи сўнгги пардоз ишларини қилиб боради.

С. СУЛТОНОВ.

ти. В. Воркута бошлик дуралдорлар сўнгги эшик-роқларини қуриб, сувочиларга тайёрлаб беришмоқда.

Куйбисhev районидаги «Қорасув» массивида 209-мактабга қўшимча синф хоналари, спорт зали қурилади. Бу ишларни 9-қурилиш бошқармасидан В. Гомер бошлик комплекс бригадаси бажариши.

— Мактабни барвақт ўз эгаларига топшириш учун ҳатто уч сменада ишлашга ҳам, тўғри келди, — дейди прораб Фарход Толипов. — Бу ерда қурилиш ишларида 20—30 йиллик малака ортирилган Р. Нехматов, М. Шарипов каби етакчилар бор.

1-қурилиш бошқармаси пардозлаш, мойлаш, оқлаш каби ишларини жадаллик билан олиб боришди. Ҳадемай мактаб 900 ўринли янги синф хоналарига эга бўлади.

159-трестнинг 8, 9, 22, 70-қурилиш бошқармалари Собир Раҳимов, Октябрь районида мактаблар учун ўнлаб қўшимча синф хоналари қуриб беришмоқда. Қурувчиларнинг эзгу ишлари 1 сентябрда ишлар қувончига шерик бўлишди. Янги мактабларда қурувчилар 10 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини амалга оширдилар.

Ном ҳам—хусн

Ҳамшаҳарларимиз билан маслаҳатлашиб

Шаҳримиз кўча ва майдонлари, даҳаларида палатини қилиб қўйилган номларини тартибга келтириш, уларни бундан буюн жозибали ва бетакор номлар билан аташ масалалари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг атамалар комиссияси аъзолари диққат-эътиборида турибди. Комиссия составига тарихчилар,

архитекторлар, археологлар, ёзувчи ва тил мутахассисларининг киритилиши бу борада қўйилган яхши ва хайрли қадамлардан бири бўлди. Атамалар комиссиясининг кўни кеча бўлиб ўтган мажлисида сўзга чиққан СССР халқ депутати, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, шоир Абдулла Орипов, Бе-

руний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, профессор Озод Шафиддинов, профессор Қодир Фозилхўжаев, филология фанлари номзоди Мухсин Зокиров ва бошқа ўртоқлар шаҳар кўчалари, даҳаларини аташ билан боғлиқ қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Бу борада ҳамша-

ҳарларимиз билан ҳаммасла-хат иш олиб боришни, уларнинг тақлиф олишни таъкидлашди.

Хозирги пайтда кишини ажаблантирадиган, шаҳримиз руҳига умуман мос келмайдиган, қайтарик атамалар жуда кўп. Комиссия аъзолари ана шу номларни қай-

ана шу хореографик композиция билан танишдилар. Д. Шукржонова репертуарида араб, хинд, афгон ва Шарқдаги бошқа халқларнинг рақслари бор.

[ЭТАГ].

Тонгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Снэйс бюросининг қарорига мувофиқ «Партиянинг ҳозирги шароитдаги амалий снэйси» КПСС платформасининг лойиҳаси эълон қилинган. Лойиҳани Марказий Комитетнинг ишлатиларига муносабатларга бағишлаб ўтказилган келгуси пленумда муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

● 16 август кунин Кремлда СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Унда СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси тўғрисидаги масъала кўриб чиқилди. Мажлиси ҳақидаги ҳисобот бугунги тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Республика газеталарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гравданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва янги тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарор» берилган.

ДАМАШҚ

Сурия пойтахтида бу ерда ташир билан келган Эрон ташқи ишлар министри А. А. Вилотий билан Сурия Араб Республикаси раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокарада Ливандаги аҳвол ва бошқа халқаро муаммолар муҳокама қилинди. Сурия президенти Ҳафиз Асад Эрон министрини қабул қилди. А. А. Вилотий Ҳ. Асадга Эрон президенти қилиб сайланган А. А. Ҳошимий-Рафсанжонийнинг шахсий мактубини топширди. А. А. Вилотий Сурия Араб Республикасининг ташқи ишлар министри Ф. Аш-Шараа билан ҳам учрашди.

● ДЕХЛИ. Ҳиндистоннинг жанубидаги Керала штати аҳли одадат ташқари норозилик намоиши ўтказди. Улар миллий автомобил йўли бўйлаб елкама-елка туриб, 722 километрлик «тирик девор» ҳосил қилдилар. Марксий демократик ёшлар Ҳиндистон федерациясининг ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда 5 миллионга яқин одам, шу жумладан штат ҳукуматининг вакиллари қатнашди. ЮНИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, норозилик билдирувчилар Керала штатидаги етилган иқтисодий ва бошқа муаммоларга марказий ҳукуматнинг эътиборини ана шу йўл билан жалб этишга уриндилар, уларни ҳал этиш учун Деҳли маъмурларининг шойлиқчи аралашуви талаб қилинади.

● ПЕКИН. Шанхайдаги Хунцзяо аэропортидан қўтарилиш чоғида фалокатга учраган АН-24 самолёти ичидаги қирқ кишидан аттиги 6 йўловчи тирик қолди. Ҳалок бўлганлар орасида экипажнинг жами олти аъзоси, Япониянинг икки граждани бор. Бу ҳақда кеча «Женьминь жибао» газетаси хабар қилди.

Илгари хабар берилганидек, Хитой граждани авиацияси бош бошқармаси (ХТАБ)нинг Шанхайдан Цзянсин вилотининг маъмурий маркази Наньчан шаҳрига мунтазам қатнайдиган самолёти аэропортдан қўтариладан кейин дарёга қулаб тушди.

● НЬЮ-ЙОРК. Регионал телефон корпорацияларидан бири — «Белл Атлантик» қасаба союзуларнинг тазйиқи билан иш ташлаган ўн минглаб меҳнаткашларнинг талабларига ён берди. Пенсильвания штатининг Филадельфия шаҳридаги музокарада «Белл Атлантик» маъмурияти меҳнаткашларнинг медицина хизматига харажатларини қоплаш тўғрисидаги талабларининг бир қисmini бажаришга рози бўлди.

Бевосита мулоқотта марҳамат!


«Уларимизни авайлаб асралик» — Ўзбекистон телевидениеси орқали шу йил 18 август кунини соат 20 дан 05 минут ўтганда намоиш этиладиган кўрсатув — бевосита мулоқот ана шу мавзуга бағишланган.

Телевидение орқали квартиралар ремонтини, уй-жой фондидан қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ томошаларнинг саволларига ва бошқа саволларга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармасининг ходимлари жавоб қайтардилар. Уй ҳақини тўлашдаги қарзлар тўғрисида ҳам сўз боради. Маълумки, уй ҳақининг ўз вақтида тўлашмаслиги оқибатида турар жойларга сифатли хизмат кўрсатиш учун пул маблағлари етишмаяпти. Азия дўстлар, Силарнинг ҳал этилиши керак бўлган ана шу масала ҳусусидаги тақлиф ва мулоҳазаларингизни ҳам қутамиз.

41-92-86, 41-92-76,

41-01-62, 41-00-01

телефонлари орқали қўнғир қилишнинг шуми.



Энг масъулиятли вазифа

Бутун вужуди билан ўз ишига берилган бу йигит асосан асосий цехда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Ҳақиқий ишчи хос филокорлик, ишга бўлган масъулият ҳисси унга муносиб обрў-эътибор келтиряпти.

Бу йигит ким, деб сўрасиз. У Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайётган Андрей Сориндир. Ҳа, у баракали меҳнати билан коллективга манзур бўлган ишлардан ҳисобланади. Шунинг асосий керакки, бу ишчи асосий ишидан ташқари вақтларда жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Қисқаси, у қандай топшириқ берилмасин, сидирдидан адо этишга интилади. Аммо энг муҳими, маҳсулот сифатини яхшилашга, иш унумини оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Унинг учун беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этишдан қўра масъулиятлироқ вазифа йўқ. Бу йўлда у касб маҳоратини тинмай ошириб бормоқда.

СУРАТДА: А. Сорин.

Х. Мирзакаримов сурати.

Яхши анъана

● СЕРГЕЙ Николаев меҳнат қилаётган участкада турли хил металл конструкциялар учун қопиллар тайёрланади. Бу кўп меҳнат талаб қилаётган жараёндир. Айни пайтда ишчилар юксак маҳорат талаб этилади.

Сергей Иванович ишчилик хизмати давомида кўп ўзгаришларни кўчди. Давр талабига қараб тайёрлаётган маҳсулотлар ўзгариб бори. Лекин бир нарса ўзгариш йўқ. У ҳам бўлса ишчилик касбига, коллективга бўлган меҳр. Халол меҳнат туфайли унинг ҳурмати ошди.

С. Николаев корхонада биринчи бўлиб сифат ва тежамкорлик ташаббуси билан чиқди. Электр пайвандчи Раҳматилла Қўнобов, слесарь Игорь Костонин, силлиқловчи Ваҳид Арапетов, йўлувчи Виктор Карачин сингари ўнлаб ишчилар унинг ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашди.

Экспериментал-механика заводида ҳар қандай янгиликни қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш анъана бўлиб қолган. Шу бондан ҳам коллективнинг зафарлари бойиб бормоқда. Бунга бир мисол: коллектив ўтган 7 ойда планга қўшимча 40 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди.

Д. МУРОДОВ.

Кичкинтойларга совға

● Пойтахтдаги Ивановский тўқимачилар массиви бунёд этилганга ҳали кўп бўлган йўқ. Лекин ҳозир бу ерда минглаб тошкентликлар янги уйларида истиқомат қилишмоқда. Шу кунларда массивда янги, замонавий усулбда қурилган боғча-ясли фойдаланишга топширилиш арасида турибди. Кичкинтойларга машғулотлар ўтказиш учун ҳамма нарса муҳайё. Шинам ўйин, машғулот хоналари, ётқоҳона, емакхона — дия билан жиҳозланган.

Тайёргарлик ишларида шу микрорайонда жойлашган 127-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам қараб турадилар. Улар боғча коллективига яқиндан ёрдам беришди.

1 сентябрь кунини бу болалар маскани 560 нафар кичкинтойни ўз бағрига олади.

Ш. ОРТИҚОВ.

Қизиқиш ортимоқда

● ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган янги кўргазма Тошкент автомобил транспорт ва йўллар институтидан ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилади. Томошабинлар сурат ва текстлар орқали илм масканидаги ўқув-ишлаб чиқариш маркази билан атрофлича танишиш мумкин.

Измайлова сахнага қўйган бу рақсини илк бор хорижий томошабинлар ҳузурида гастролда бўлганда — Ҳиндистон ва Непалда ижро этган. Энди тошкентлик томошабинлар ҳам

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

«Меҳрибонлик» меҳр улашади

● «МЕХРИБОНЛИК» деб аталган жамиятнинг шаҳримизда ташкил этилиши тугма майнаб-мажруҳ ва инвалид кишиларнинг оғирини енгил қилишда ёрдам беришмоқда. Улар емоқчи бўлган муаммолардан бири инвалидларни иш билан таъминлашдир.

Маълумки, уларнинг кўпчилигида уйларида ишлаш бирмунча қулайроқ. Лекин буюртмачини қардан топишди? Бунинг ҳам йўли топилди. «Забота» кооперативини уларга пешвоз чиқди. Шу мақсадда «Меҳрибонлик» жамиятининг аъзолари Сергели райони инвалидлари билан кооперативчилар ўзаро учрашиб, келишиб оладилар. Учрашувда Сергели район партия ва совет органлари вакиллари қатнашди. Ажаб эмас, ногирон кишиларнинг ишга жойлашув ва ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда бундай учрашувлар ўз самарасини берса.

Ф. АСҚАРОВА.

Маҳаллада байрам

● ОКТЯБРЬ районидаги Оқлон маҳалласида катта байрам бўлиб ўтди. Бу байрам район ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди. Шу кунини маҳалла аҳлига катта концерт программаси намоиш этилди. Шу жумладан, кураш бўйича ҳам мусобақалар бўлиб ўтди.

Бундай тадбир кўп йиллардан буюн ўтказилмаётган эди. — деди Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Аъзамжон Шокиржонов. — Маълумки, кўнча даҳаси қадимдан ўз полковлари билан машхур. Афсуски, бу анъана сўнгги йилларда унутилди. Халқимизнинг миллий урф-одатларини тиклаш мақсадида бу ишга катта эътибор бердик. Ғолибга эса шу маҳаллада яшаган машхур полков Карим ака Маликов оловини таъсис этилди. Қўнғин ўтган беллашуларда саломатлик ғолиб чиқди.

Р. МУҲАМЕДОВ.

«Бир зумда»дан аҳоли мамнун



● «СЕРГЕЛИ—3» массивининг «Универсам» бекатида қад қўтарган янги кафе йўловчиларнинг бир зумида енгил тамадди қилиб олишларига ёрдам беради. Мазкур овқатлану шохобасини қуришга уч ойнинг ўзи ки-фоя қилди. Бу билан Сергели районида замонавий лойиҳа асосида қурилган дастлабки кафе бекат пайдо бўлди.

Лойиҳа қуввати 85 минг сўмликдан иборат бўлган бу кафедра овқатланувчиларга барча қулайликлар яратилган.

Райондаги бу қулайликдан кўпчилик мамнун бўлмоқда.

Р. АЛИЕВ.

● СУРАТДА: «Бир зумда» кафесининг ташқи кўриниши.

Т. Каримов сурати.


«Тошкент ҳақиқати»

учрашувга тақлиф қилади

19 август кунин Ўзбекистон комсомолни 40 йиллиги номи маданият ва истироҳат боғида «Тошкент ҳақиқати» газетаси кўни ўтказилади.

Бу ерда «Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси коллектив, таниқли журналистлар, ёзувчи ва шокирлар билан учрашасиз. Санъаткорлар, хонанда, созанда, раққослар, сатира ва юмор устаслари, аскиячилар хизматда бўлишди. Шунингдек, редакция ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонуқчилик тарғиб қилиш жамоатчилиги кенгашининг аъзолари навбатдаги қебулун шу ерда ўтказилади, савол-жавоблар, баҳс ва мунозараларда иштирок этишнинг шумкин. Газета ва журналларга, жумладан «Тошкент ҳақиқати»га ҳам шу ерининг ўзига ойна қабул қилинади. Китеб савдоси ва бошқа оммавий тадбирлар ҳам уюштирилади.

Байрам тадбирлари эрталаб соат 11.00 дан бошланиб кечгача давом этади.



Ҳамда Усмоновни моҳир соатсоз дейишди. «Рембикте-
х»нинг соатлар ремонт қилиш бўлимида бунга яқ-
қол ишонч ҳосил қилдик. У ҳалол меҳнат учун Ленин ва
«Ҳурмат белгиси» орденлари билан тақдирланган.
СУРАТДА: соатсоз уста Ҳ. Усмонов шогирди Гулчехра Пар-
пиевага касб сирларини ўргатмоқда.
Р. Шарипов суратлари.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЭЎҚИТИШ ВА
КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА
ТАКЛИФ
ҚИЛАДИ

УЛУҒБЕК ПОСЕЛКА СОВЕТИНИНГ
РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ УЎЖОЙЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ БИРЛАШМАСИГА:

бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар, кошникорлар, сле-
сарь-сантехниклар, газ-электр пайвандчилар, ёкиш теру-
вчилар, тунукасоалар, йўл ишчилари.
Тошкент шаҳрида яшаб турувчи ходимлар транспорт
билан таъминланадилар.

ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИНИНГ
АВАРИЯ-ТРИКЛАШ ИШЛАРИ ХИЗМАТИГА:

барча категориядаги шофёрлар, бульдозерчилар, экс-
каваторчилар.

«УЗАГРОМЕЖХОЗПРОЕКТ» ИНСТИТУТИГА:

етакич инженерлар, инженерлар, «Истиф ва венти-
ляция», «Истиф турбомашина ва қозон қурилмалари»,
«Агроф-мухитни муҳофаза қилиш», «Саноат ва гражд
қурилиш» ихтисосликлари бўйича гуруҳларнинг бошлиқ-
лари, ЭХМ программаловчи, электрлик инженерлар; тех-
нололар, архитекторлар, лойиҳаловчилар, умумий маши-
насолик бўйича механик конструкторлар, таржимон
(ўзбек тили), машинистка (ўзбек ва рус тилида ёзувчи).

«Ташгортгустранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
1-АВТОКОРХОНАСИГА:

«Е» категориядаги ҳайдовчилар.

«УЗГИПРОСЕЛЬХОЗ» ЛОИҲА ИНСТИТУТИГА:

«Саноат ва гражд қурилиш» ихтисоси бўйича I ва II
категориядаги қурувчи-инженерлар.

3-ўйсозлик комбинатининг

«ТАШМОСТРОЙ» ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

дурадгорлар, кошникорлар, паркетчилар, сувоқчилар,
бўёқчилар.

ТОШКЕНТ ГРАМПЛАСТИНКАЛАР ЗАВОДИГА:

бош бухгалтер ўринбосари, таъминот бўлимининг бош-
лиги, контроль ўлчов асбоблари ва автоматлар бўйича
слесарлар, прессовчиларнинг шогирдлари, овозлангич
бўйича назоратчилар, сортларга ажратувчилар, ҳовли иш-
ларини бажарувчи ишчилар, автопогрузчиклар ҳайдов-
чилари, юрисконсулт, прессларнинг соловчилари, сил-
дикловчилар, иш тақсимловчилар, плёнкаларни прессов-
чи машинист, юксак ва ясси напш ноширлари.

ҚЎЙЛИҚ НОРУДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ
ЗАВОДИГА:

ОГМ, ер қазини техникаси механиклар, капитал қури-
лиш бўлими бошлиғи, бинолар ва иншоотлар ремонт
бўйича инженерлар, инженер-технологлар, кон цеҳа бош-
лиғи ва мастери, тайёр маҳсулотларни ортти жўнатиш
диспетчери, электр-газ пайвандчи, асбоб-ускуна-
лар ремонт бўйича электр слесарь, буль-
дозерчилар, ленталарни тозаловчилар, ремонтчи-слесар-
лар, автогрейдер машинисти, тош майдаловчилар.
Енгиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади ва ша-
ҳарга пропискага ўтказилади.

СПРАВКАЛАР ЮЗАСИДАН ҚЎЙИДАГИ
АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космо-
навтлар проспекти, 6-ўй.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Фарҳод
кўчаси, 21-ўй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ — К. Маркс кўча-
си, 59-ўй.
КИРОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-ўй.
ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси,
64-ўй.
ОКтябрь РАЙОН БЎЛИМИ — У. Юсупов кўчаси,
3-ўй.
СОВИР РАХИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Қорасарой
кўчаси, 270-ўй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН БЎЛИМИ — Спутник массиви,
2-квартал, 69-ўй.
ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ — Ҳасанова кўчаси, 10-
ўй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ — Чилонзор масе-
ви, 2-квартал, 3-ўй.
ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ — Шота Руставели кў-
часи, 87-ўй.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ

Узбек ва рус тилла-
рида мустиқил равишда
нашр этилади.

«Тошкент оқшони»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбе-
кистана и городского Совета народных депутатов.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қи-
зил Вайроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ
АДРЕСИ:
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона—32-53-76; бўлиmlар: партия турмуши
ва совет қурилиши—32-57-64; экономия ва шаҳар ҳўналиғи
—32-54-19; иқтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий
ишлар — 32-29-70; мамоотчилик — 32-99-42,
32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иле-
раси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан
ташқари,
дар кўни чиқари.

Р-14648.

Б. — 2017.

Индекс 64690.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

Мўъжиза

ЭНГ
УЗУН
БОДРИНГ

Ажойиботлар оламида

Наполеоннинг мактуби

Харьков Давлат универ-
ситети кутубхонасининг Фонд-
ларидан буюқ Француз бур-
жуазия революцияси даври
ҳужжатлари орасидан Напо-
леон имзо чекиан мактуб
топилиди.
Хужжатта 1813 йилнинг
11 май санаси қўйилган, де-
мак, бу кун Саксониянинг
Люцен бусағасидаги жанг-
лардан уч ҳафта ўтгач, Фран-
ция қўшинлари Лейпцигга
қараб жўнаб кетган вақтда

ёзилган. Хат Дрезден шаҳри-
да битилган экан. Мактуб
полиция министри Жозеф
Фушга ёзилган. Хатда Напо-
леон Фушга Пруссия ҳуку-
матига бошчилик қилишни
таклиф этади, аммо На-
полеон Пруссияни эгаллашга
муваффақ бўлади.
Бир варақ қалин қоғоз-
нинг четларига зарҳал тор-
тилган ва унинг юқоридagi
сўл бурчагига бир бошли
бургут тамғаси туширилган,

Табият ўзи шундай чеварки, унинг мўъжизаларини
қўраганимизда беихтёр таҳсин айтиб юборамиз. Мана бу
узун бодрининг кўриниши.
Келинг, бу воқеанинг тафсилоти билан танишинг. Тош-
кент шаҳар Куйбишев районидagi Зеленский кўча 15-уй-
да истиқомат қилувчи Василий Андреевич Бойко қўлига
тушиб қолган икки донга бодрининг уругини баҳорда томор-
часига экиди.
— Бир кун бундай қарасам, бодрининг катта барг ёзиб,
жуда яхши ўсапти, — деб ҳикоя қилади Василий амаки. —
Тез орада гуллади-ю, ҳосил ҳам тугди. Кейин эртандаги-
дек мўъжиза рўй берди.
Қарангки, «пахлавон» бодрининг кун сайин катталашиб,
узунлиги бир метру 28 сантиметрга етди, у ҳозир ҳам
ўсиб борапти. Василий Андреевичнинг набираси Вита-
лий қизичи билан бодрининг узунлигини кун ора метр
билан ўлчаб, ён дафтарига ёзиб борапти.
Бунақа катта бодрининг кўрган қўни-қўшинлар ҳам,
табиат ишқибозлари ҳам ҳайрон. Кимдир уни «Хитой бод-
ринги» деса, яна бошқалар: «Бу Вьетнам кабачкиси» деб
тахмин қилишмоқда.

СУРАТДА: Василий Андреевичнинг набираси Виталий
«пахлавон» бодрининг узунлигини ўлчайпти.

Француз хандалари

Машина бир йўловчини
туртиб юборди.
— Қўзингизга қарасангиз-
бўлмайдими? — қичқирди
йўловчи.
— Ой Кечирасиз, мен сиз-
ни танимабман, — деди
шофёр.

Дюпон хоним телефон ка-
бинасига узоқ вақт набват
кутди. Охири ғазабланиб,
телефон қилаётган жанобга
бақира кетди:
— Агар эрим бўлганин-
гизда заҳар берган бўлар
эдим.
— Агар хотиним бўлган-
нингизда, уни ичиб юборар
эдим, — деди жаноб.

Аэродромда бир киши
учувчининг елкасига қоқиб,
деди:
— Ўйлайманки, сиз ҳам-
маминизни ерга олиб тушасиз.
— Албатта жаноб, мен
ҳали ҳеч кимни осмонда қол-
дирмаганман.

Х. КУРНАЛИЕВ,
Тошкент Давлат чет тил-
лар педагогика институтини
француз тили факультет-
ининг 5-курс талабаси.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

Халқ талантларини излаймиз!

Польшада бўлиб ўтган IX — халқаро фольклор санъа-
ти фестивали ва Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ
ашула ва рақс халқ ансамбллари конкурсининг лауреа-
ти. Тошкент шаҳар Октябрь район 3-Маданият уйи қоши-
даги

«Баёт»
ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК ХАЛҚ АНСАМБЛИ
СТУДИЯСИ

халқ ансамблининг ижодий составини бугунги талаблар
асосида янада кенгайтириш ва ижрочилик маҳоратини
ошириш мақсадида
1989-1990 ўқув йиллари учун, санъатнинг қўйидаги
ихтисосликлари бўйича
ЯНГИ БАДИЙ-ҲАВАСКОР-ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН

Конкурс эълон қилади

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ СОЗАНДАЛАР АНСАМБЛИ БЎ-
ЛИМИГА: доира, дутор, қашқар рубоби, афғон рубоби,
прима рубоби, тор, чанг, гижжак, най, кўш най, кларнет,
баян-аккордеон, кастанбети, ногора, карнай-сурнай, қай-
роқ, ёғоч-оёқ ва бошқа миллий чолғу асбоблари (абиту-
риентлар ўзларининг шахсий музыка асбобларига эга бў-
лишлари шарт);
ЎЗБЕК ХАЛҚ РАҚСЛАРИ БЎЛИМИГА: бу бўлимда
асосан ўзбек классик ва халқ рақслари, мақом ўйинлари,
эмонавий ва эстрада рақслари, шунингдек СССР ва
шарқ халқларининг миллий этнографик характеридagi
фольклор рақслари ўргатилиб, 15 дан 35 ёшгача бўлган
қиз ва йигитлар қабул қилинади;
ФОЛЬКЛОР-ЭТНОГРАФИК АНСАМБЛИГА: ушбу
ансамблга қизлар ва катта ёшдаги (ёшдан қатъий назар)
эркак ва аёллар, қиз-жуворлар ҳамда чолу кампирлар
қабул қилинади;
ҚЎШИҚ-ВОКАЛ (хор санъати бўлими) ВА МАҚОМ-
ЧИЛАР АНСАМБЛИГА: бу бўлимда якнахон хонанда-
солистлар тайерланиб, қўшиқ айтиш, овоз техникасини
созлаш, майнлаштириш, силлиқ кўйлаш каби зарур ҳо-
латлар ўргатилади;
САТИРА БЎЛИМИ: бу бўлимга ҳажвчи ёшлар, турли
темадаги интермедия, фелетон, пародия, ҳажвий куплет
ижрочилири қабул қилинади;
БАДИЙ СЎЗ ВА КОНФЕРАНСЛИК БЎЛИМИГА: ушбу
бўлимга бадий сўз усталари, шеър, монолог ижро-
чилари, катта ва кичик концертларни бошқарувчи кон-
ферансёлар қабул қилинади;

«Лола» таклиф қилади

Инсон ички ва ташқи уйғунликка ўзига, қиёфа-
сига, жозибасига ишонган тақдирдагина эриши-
ши мумкин.
Уйғунликка эришишда чеҳрангизни ва танан-
гизни намунали парвариш қилишда ёрдам бериши
мумкин бўлган УПА-ЭЛИҚЛАР АЛБАТТА АСҚО-
ТАДИ.

ТОШКЕНТДАГИ «ЛОЛА» УПА-ЭЛИҚ
ФАБРИКАСИ ЭРҚАКЛАРГА:

баҳор гулларининг энгил, ёқимли ҳидини таратиб
турувчи «ОАЗИС» одеклонини; оёқларни парва-
ришлаш учун бактерия ва фунгицид хоссаларга
эга бўлган «ЭВЕРЕСТ» крем-бальзамини; ХО-
ТИН-ҚИЗЛАРГА: ҳаммаша жозибали қиёфага эга
бўлишингизда ёрдам бериши мумкин бўлган янги
манзарали восита — «САМУМ» рангли кремнини
Тавсия этади
Мазкур крем юзингиздаги нуқсонларни яширади,
уни майин, юмшоқ қилади.

«ЛОЛА» УПА-ЭЛИҚ ФАБРИКАСИ.
«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш
бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чи-
қариш корхонаси.

Диккат!

Сув ўтказиш йўллари ва водопровод шохобчаларида
ремонт-профилактика ишларини ўтказиш, шунингдек
1989-90 йил кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик ишлари
олиб борилиши муносабати билан

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

Абонентларни

ВОДОПРОВОД ШОХОВЧАЛАРИДА СОВУҚ СУВ
БОСИМИ ПАСАЙИШИ ВА СОВУҚ СУВ
БЎЛМАСЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ХАБАРДОР ҚИЛАДИ

19 АВГУСТ СОАТ 9.00 ДАН
20 АВГУСТ СОАТ 9.00 ҒАЧА

Куйбишев районда: Гоголь, Ю. Фучин, Жуковский.
Куйбишев кўчалари, Марказ-1 микрорайонда

СОВУҚ СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

Куйбишев районда: 4-бошқарманинг 1-поликлиникаси;
Тошкент вино заводи, 64, 145-мактабларда, шунингдек
проездлари билан Жуковский кўчасида

СУВ БЎЛМАЙДИ

22 АВГУСТ СОАТ 9.00 ДАН
23 АВГУСТ СОАТ 9.00 ҒАЧА

А. Икромов ва Чилонзор районларида: Фарҳод, Х.
Турсуновлар, Инспектор кўчалари, «Алгоритм» турар
жой массивида

СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

29 АВГУСТ СОАТ 9.00 ДАН
30 АВГУСТ СОАТ 9.00 ҒАЧА

Сергели районда: Спутник, 1, 2, 3, 4-Сергели турар
жой массивларида

СУВ БОСИМИ КАМАЯДИ

СУВ БЎЛМАГАН ЕРЛАРГА АВТОВОДОВОЗЛАРДА
ИЧКИЛИК СУВ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ.
Справкалар учун телефонлар — 33-15-95, 33-75-95,
56-60-06.

Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат циркида

(Хадра майдон)
18 АВГУСТДА

Янги мавсум очилади
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ
Г А С Т Р О Л Л А Р И
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
«КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР: соат 19.30, шанба кўни — соат 16,
ва 19.00 да, якшанба кўни — соат 12, 15, 18.00 да бош-
ланади.
Олдиндан билетлар сотиш кассаси очилди.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИМ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМА-
ЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюрт-
малари навбатдан ташқари амалга оширилади.
Касса дам олиш кўнисиз, соат 10 дан 20.00 гача иш-
лайди.
Справкалар учун телефонлар — 44-35-91, 44-34-84,
44-28-04.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «БАХТ УЙИ»
ВА
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ.
20 АВГУСТДА
СИЗЛАРНИ

Боғ сайлига таклиф этадилар

САЙЛА:

«СИЗГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАЙМИЗ»
Еш келин-куёвлар ва олтин, кумуш тўйларини нишон-
лаётган оилалар иштирокида тантана. Тантананда «ҚИ-
ЗИЛ ЧИНИНГУЛ» ансамбли ва СУЛАЙМОНОВЛАР
оилани ансамбл қатнашадилар.
Солистлар: ГҒЎБАҲОР ВА ФАҒРУҲ СУЛАЙМО-
НОВЛАР.
«КАЧАЛ ПОЛВОН» Республика кўнграқ театрининг
спектакли.
«ҚЎШИҚЛАРИМ СИЗГА АРМУҒОН»
Лирик хонанда Шамсиддин НУРИТДИНОВ кўйлайди.
«ТУРМУШ ҚОРҲАЛАРИДА» номли давра суҳ-
бат.
Суҳбатда ёзувчи ва шоирлар, тиббиёт ходимлари, бах-
тиёр оилалар соҳиблари ва юстиция ходимлари қатнаш-
адилар.
«ТҒЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА УЙЛАРИМИЗ» номли
давра суҳбат.
«ТҒЙЛАР МУБОРАК», «ТҒЕНА» ансамбллари кон-
церти.
Энг яхши қўшиқ ва рақслар учун конкурс.
Миллий кураш бўйича республика чемпионати.
Эрта тонгдан то кечгача хилма-хил кўнграқлар ўйин-
лар, ёшлар нафеси, «Хумор» чойхонаси. Муқаймқоқ ка-
фелари, болалар темир йўли, қайиқ станцияси, болалар
ва катталар пляжи сизларнинг иштирокида.
Энг яхши бадий ҳаваскорлик коллективлари сизлар
учун хизмат қўрсатадилар.
САЙЛ СОАТ 10.30 ДАН БОШЛАНАДИ.

Ўзбекистон ССР
физкультура ва спорт
давлат комитети

МИЛЛИЙ КУРАШ
ФЕДЕРАЦИЯСИ

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ
НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА
ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
17—20 АВГУСТ СОАТ
17.00 ДА

МИЛЛИЙ КУРАШ
БҒИЙЧА
(бухороча ва фарғонача
кураш)

ЎЗБЕКИСТОН
ШАХСИЙ КОМАНДА
БИРИНЧИЛИГИ
ЎТҚАЗИЛАДИ

МУСОВАҚАЛАРДА УР-
ТА ОСИЕ РЕСПУБЛИКА-
ЛАРИ ВА РСФСР АВТО-
НОМ РЕСПУБЛИКАЛА-
РИНИНГ ЭНГ КУЧЛИ
КУРАШЧИЛАРИ ИШТИ-
РОК ЭТАДИЛАР.

МУСОВАҚАЛАР БОШ
СУДЬЯСИ — республика
категориясидagi судья У.
ТОЙРОВ.

17, 18 АВГУСТДА
БАДИЙ ФИЛЬМАР:

Санъат саройи — «ИНТЕР
КНЗ» (катта зал, 11, 14, 17,
20.00; кичик зал, 12, 15, 18,
20.30).
Восток — «ЕВРОЙИ ҚАЛБ»
(10.30, 12, 14, 16, 18, 20.00).
К. Ерматов номи — «БА-
ЛАНД БҒИЙЛИ МАЛЛАСОЧ
КИШИ» (тоқ соатларда).
Козогистон — «СЕВГИ ДАР-
ДИ» (11, 12, 14, 15, 17, 18,
20.00).
Чайка — «СЕВГИ ДАРДИ»
(11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Шайхзода номи — «ФИ-
РОҚ ДАМЛАРИ» (11, 13.30, 16,
18.30); «ҚАЕРДАСАН, ЗУЛ-
ФИЯМ!» (20.45).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «СЕВГИ ДАРДИ» (11,
13.30, 16, 18.30, 21.00).
Фестиваль (бағи) — «СЕВГИ
ДАРДИ» (21.40).
Хива — «ЕВРОЙИ ҚАЛБ»
(21.40).

Кино

Якшанбадан
ташқари,
дар кўни чиқари.

Реклама ва эълонлар